

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAᖘKAMASINING
QARORI

**609 Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қай-
та тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тар-
тиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

«Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларга мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2013 йил 15 июлдаги ПҚ–2003-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкама-си **қарор қилади:**

1. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 18 декабрь,
347-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 18 декабрдаги 347-сон қарорига
ИЛОВА

**Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қайта тайёрлаш
ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Таълим тўғрисида», «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларга мувофиқ олий спорт маҳорати мактаблари, олимпия захиралари коллежларининг, олимпия захиралари их-

тисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг рахбар кадрлари, инструктор-методистлари ҳамда тренер-ўқитувчилари, шунингдек олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия ва спорт фаолияти бўйича педагог кадрларини (кейинги ўринларда жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари деб аталади) қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартибини белгилайди.

2. Нодавлат ташкилотлар ва жисмоний шахслар буюртмаларига биноан жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ихтиёрий равишда, белгиланган тартибда тузилган шартнома асосида мазкур Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (кейинги ўринларда ваколатли давлат органи деб аталади) томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалга оширилади.

4. Хорижий давлатларда таълим муассасаларини тамомлаган жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида ўқишга базавий маълумоти тўғрисидаги ҳужжати нострификациядан ўтгандан кейин қўйилади.

5. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг тузилмаси ва уни бошқариш қўйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади:

а) жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг касбий маҳорати даражасини лавозим малака тавсифларига мувофиқлигини аниқлаш;

б) ёшларда миллий ғояга садоқат, ватанпарварлик, маънавий ва жисмоний етуклик, кенг дунёқарашга ва мустақил фикрлашга лаёқатлиликни ҳамда ташаббускорликни тарбиялаш;

в) ўқув ҳамда спортчилар тайёрлаш жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш даражаси мониторингини олиб бориш;

г) кадрлар салоҳиятидан ҳамда мавжуд моддий-техника базасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш.

6. Ваколатли давлат органи жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида:

жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини такомиллаштиришга доир мақсад ва вазифаларни белгилайди;

ўқув режа ва дастурларини тасдиқлайди;

жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни такомиллаштириш механизми ва усулларини, таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талабларини, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш жараёни самарадорлигини аниқлайдиган динамик кўрсаткичларни ҳамда тингловчиларнинг прогноз контингентини белгилайди;

Марказнинг моддий-техника базасини, динамик кўрсаткичини ва прогноз контингентини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўради.

7. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармалари (кейинги ўринларда ҳудудий бошқарув органлари деб юритилади), тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирликлар ва идоралар, нодавлат ташкилотлари ва жисмоний шахслар буюртмачи ҳисобланади.

II. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш

8. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари малакасини ошириш уларнинг билим ва маҳоратини янада такомиллаштириш учун ташкил этилади.

9. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) амалга оширилади.

10. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёни белгиланган тартибда тасдиқланган давлат талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида амалга оширилади.

11. Буюртмачиларнинг навбатдаги календарь йилда жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича буюртмалари мутахассисларининг фамилияси, исми ва отасининг исми, қачон ва қайси таълим муассасасини битирганлиги, диплом бўйича мутахассислиги, иш жойи ва стажи, лавозими, охириги малака оширган вақти кўрсатилган ҳолда Марказга тақдим этилади.

12. Марказ томонидан умумлаштирилган буюртмалар асосида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш бўйича йиллик режа ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда тасдиқлангандан сўнг буюртмачиларга етказилади.

13. Буюртмачилар мазкур режа асосида жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг Марказга ўқишга етиб боришларини таъминлайдилар.

14. Малака ошириш ёки қайта тайёрлашга юборилган жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари Марказ раҳбарининг буйруғи билан тингловчилар сафига қабул қилинади. Тингловчилар гуруҳини шакллантиришда, курснинг ўқув режа ва дастурларини тайёрлашда базавий маълумот, мутахассислик, тоифа ва эгаллаб турган лавозими, шунингдек буюртмачининг талаблари ҳисобга олинади.

15. Малака ошириш курсларидаги ўқув жараёнлари 25 тингловчидан

иборат ўқув гуруҳларига бўлинган ҳолда, Марказ раҳбари томонидан тасдиқланадиган машғулотлар жадвали асосида олиб борилади.

16. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларидаги ўқув машғулотлари маъруза, амалий машғулот, семинар, тажриба алмашиш дarsi, тренинг, интерфаол машғулотлар ва бошқа шаклларда олиб борилади.

17. Айрим ўқув машғулотлари илғор таълим муассасалари, спорт мажмуалари ва бошқа ташкилотлар негизда ташкил этилиши мумкин.

18. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш, уларни талаб даражасида ўтказиш, таълим самарадорлигини таъминлаш учун шароитлар яратиш масъулияти Марказ раҳбари зиммасига юкланади.

19. Тингловчи қуйидаги сабабларга кўра тингловчилар сафидан четлаштирилади:

ўз хоҳишига биноан;

саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);

ўқув интизомини ва таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини мунтазам равишда ёки бир маротаба қўпол равишда бузганлиги учун;

таълим дастурларини ўзлаштирмагани (назорат турлари бўйича тестларни топшира олмагани) учун;

малака ошириш (18 соатдан ортиқ) ёки қайта тайёрлаш (36 соатдан ортиқ) курсидаги дарс машғулотларини узрли сабабларсиз қолдиргани учун;

шартнома асосида ўқитиш билан боғлиқ мажбуриятларни бажармагани учун (шартнома асосида ўқиётган тингловчилар учун);

тингловчи суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги сабабли;

вафот этганлиги сабабли.

20. Тингловчилар малака ошириш ёки қайта тайёрлаш курсидан четлатилганда унга сабаблари кўрсатилган ҳолда маълумотнома берилади, шунингдек бу ҳақда буюртмачига маълум қилинади.

Малака ошириш курсидан четлатилган ёки якуний назоратдан ўта олмаган тингловчи бир йил мобайнида буюртмачи ташкилот томонидан, унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда, таътил бериш тартибида малака оширишга қайта юборилади.

21. Узоқ ҳудудлардан келган тингловчилар шартнома мажбуриятларига биноан ўқиш даврида таълим муассасаси имкониятларига кўра вақтинча турар жой билан таъминланиши мумкин.

III. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг малакасини ошириш

22. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг малакасини ошириш ҳар беш йилда камида бир марта амалга оширилади.

23. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг малакасини ошириш шакллари қуйидагилардан иборат:

тўғридан-тўғри малака ошириш (таълим дастурлари бўйича ўқитиш);

малака ошириш бўйича ихтисослаштирилган таълим муассасасида (академия, институт, марказ, факультет ва курсларда) ўқитиш;

базавий таълим муассасасида ўқитиш;
«Устоз-шогирд» методи бўйича таълим муассасасида ўқитиш;
тажриба орттириш (ишлаб чиқаришда, илмий-тадқиқот муассасасида, хорижда);

масофавий малака ошириш;

мустақил ўқиб билим орттириш;

билвосита малака орттириш (таълим дастурларисиз ўқитиш):

илмий (илмий-педагогик) Кенгашнинг қарори бўйича ижодий таътил;

очиқ ўқув машғулотлари;

илмий, илмий-методик ва илмий-амалий семинарлар, конференциялар ва шу каби ташкилий тадбирларда маърузалар билан қатнашиш.

24. Марказда жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг малакасини ошириш касбий фаолият, умумтаълим, умумкасбий ва махсус фанлар бўйича Давлат талабларига, тегишли ихтисосликнинг спорт соҳаси кадрларига қўйиладиган малака ва меҳнат бозори талабларига мувофиқ тингловчиларнинг касбий билимлари, малака ва кўникмаларини чуқурлаштиришга мўлжалланган таълим дастурларидан иборат бўлади.

25. Малака ошириш муддати 4 ҳафта (144 соат)дан кам бўлмаган ҳажмда белгиланиб, асосий иш жойидан тўлиқ ажралган ва қисман ажралган ҳолда, 2 + 2 ёки 3 + 1 схемалари бўйича (тегишли равишда 50 ёки 75 фоиз — яшаш жойи бўйича мустақил равишда билим орттириш, 50 ёки 25 фоиз — бевосита таълим муассасасида ўқитиш) амалга оширилиши мумкин.

Бунда ўқув юкламасининг энг кўп ҳажми ҳар ҳафтада 36 соатни (54 академик соатни), аудитория машғулотларининг энг кўп ҳажми ҳар ҳафтада 24 соатни (36 академик соатни) ташкил қилади.

Айрим ҳолларда раҳбар кадрлар малакасини ошириш тўғридан-тўғри шаклларининг умумий давом этиш муддати, асосий ишдан ажралган ҳолда ўқитишда, камида 3 ҳафта (144 соат), аудитория машғулотларининг ва мустақил ишларнинг энг юқори ҳажми ҳафтасига 48 соат этиб белгиланиши мумкин.

Ўқитишнинг бундай шакллари ахборот узатишнинг замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва малака ошириш бўйича махсус курслар мавжуд бўлган ва зарур моддий-техник база билан жиҳозланган, етарли илмий-методик ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган таълим муассасаларида амалга оширилади.

26. Аудитория машғулотларининг барча турлари учун 80 дақиқа давом этадиган дарс жуфтлиги белгиланади.

27. «Устоз-шогирд» методи бўйича таълим муассасасида малака ошириш дастурлари таълим муассасасининг ўзида, бириктирилган олий таълим муассасаларида ёки спорт соҳасидаги муассасаларда юксак касбий маҳоратга эга бўлган юқори малакали устозлар раҳбарлигида, аттестация-баҳолаш синовлари ўтказиш йўли билан сертификациялаш орқали амалга оширилади.

Малака оширишнинг «Устоз-шогирд» шакли асосий ишдан ажралмаган ҳолда амалга оширилади. Малака ошириш таълим дастурининг тузилмаси,

ўтказилиш тартиби ва баҳолаш методлари Марказ томонидан ишлаб чиқилади ва ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади. Мазкур шаклдаги таълим дастурининг давомийлиги тасдиқланган таълим дастуридаги меъёрий ҳужжатлар билан белгиланади.

28. Тажриба орттириш (ишлаб чиқаришда, илмий-тадқиқот муассасасида, хорижда) — жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг тегишли тармоқларида фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқлари, замонавий техника ва технологиялар билан таништириш, амалий билимлар, кўникма ва малакаларни чуқурлаштириш мақсадида етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот муассасалари ва хорижий давлатларда амалга оширилади.

Тажриба орттиришнинг давомийлиги эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда белгиланади ҳамда асосий ишдан ажралган ва ажралмаган ҳолда амалга оширилади. Тажриба орттириш режаси таълим муассасаси ва тажриба орттиришга юбораётган ташкилот билан биргаликда тузилади.

29. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг хорижда тажриба орттириши Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, хорижий мамлакатлар ва халқаро спорт ташкилотлари томонидан мамлакатда жисмоний тарбия ва спорт тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашиш учун ажратилган грантларга мувофиқ амалга оширилади.

30. Масофавий малака ошириш — соҳа кадрларининг касбий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган ва масофадан ўқитишни амалга оширишга мўлжалланган махсус таълим дастуридир.

31. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг масофавий малака ошириш таълим дастурлари Марказ томонидан ишлаб чиқилади ва ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

32. Масофавий малака ошириш курслари ахборот узатишнинг замонавий ахборот-коммуникация воситалари, малака ошириш бўйича махсус виртуал курслар мавжуд бўлган ва зарур моддий-техник база билан жиҳозланган, етарли илмий-методик ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган, малака ошириш бўйича ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ташкил этилади.

33. Масофавий малака оширишни жорий этишда барча таълим жараёнларининг асосий компонентлари, ўқитишнинг илғор усуллари асосланган, таълим олувчи ҳамда таълим берувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар тартиби аниқланган бўлиши ва таъминланиши зарур.

34. Масофавий малака ошириш шакли юқори салоҳиятга эга бўлган, замонавий ахборот технологиялари билан ишлашнинг амалий кўникмаларини эгаллаган, ўзини ўзи камол топтириш жараёнига танқидий ва ижодий ёндашишга қодир бўлган соҳа кадрлари учун ташкил этилади.

35. Масофавий малака ошириш курсларида электрон мультимедиа қўлланмалар, виртуал кутубхоналар, видеоконференциялар, Интернет ёрдамида мулоқот ва ахборот олиш имкониятларидан фойдаланилади. Масофавий таълим олувчилар таълим сифатининг назорати уч турда (бошланғич, оралик, якуний) амалга оширилади.

36. Масофавий малака ошириш курслари тингловчиси Интернет тармоғи орқали малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари веб-сайтларининг

электрон рўйхатидан ўтиши учун ўз анкета маълумотларини киритади. Рўйхатдан ўтган тингловчига бошланғич тест синовларидан ўтиш вазифаси топширилади. Бошланғич тест синовларини топширган тингловчига курс модулларини ўзлаштиришга рухсат берилади.

37. Тингловчилар масофавий малака ошириш курсининг ўқув жадвали бўйича модулларни веб-саҳифада тақдим этилган ўқув-услубий материаллар асосида мустақил равишда ўзлаштирадilar. Ўқув модулларини ўзлаштириш жараёнида режа асосида ўтказиладиган оралиқ синов топшириқлари (тест, реферат, ишланмалар, ёзма иш ва ҳ.к.)ни бириктириб қўйилган тьюторга электрон почта орқали юборадilar. Тингловчилар мустақил ўзлаштириш жараёнида юзага келадиган қийинчиликлар ва муаммоларни ҳал этиш учун тьюторга электрон почта, телефон, чат ва электрон форумлар орқали мурожаат этишлари мумкин. Тьютор томонидан баҳоланган топшириқлар натижалари асосида (ўзлаштириш кўрсаткичи 75 фоиздан юқори бўлган) тингловчиларга якуний назоратни топширишга рухсат берилади.

38. Тингловчилар малака ошириш курсини муваффақиятли ўзлаштириб бўлгандан сўнг, малака ошириш муассасаси томонидан якуний назорат ўтказилади.

Якуний назорат тест саволлари ва илмий-амалий лойиҳа иши ҳимоясидан иборат бўлади.

Якуний назорат учун Давлат аттестация комиссияси тузилади, тингловчилар «юзма-юз» шаклида якуний тест топширадilar ва илмий-амалий лойиҳа ишларини ҳимоя қиладilar.

39. Мустақил ўқиб билим орттириш — таълим даражаси ва сифатига қўйилган Давлат талабларига мувофиқ ўқитиладиган фан ва касбий фаолият бўйича янги билимлар, малака ва кўникмаларнинг соҳа кадрлари томонидан мустақил ўзлаштирилишидан иборат.

Мустақил ўқиб билим орттириш шакли барқарор юқори профессионал рейтингга эга бўлган, замонавий ахборот технологиялари билан ишлашнинг амалий кўникмаларини эгаллаган, ўзини ўзи камол топтириш жараёнига танқидий ва ижодий ёндашишга қодир бўлган соҳа мутахассислари учун тавсия этилади.

40. Билвосита малака орттириш (таълим дастурларисиз ўқитиш) юқори профессионал рейтингга, замонавий ахборот технологиялари билан ишлашнинг амалий кўникмаларига эга, ўзини ўзи камол топтириш жараёнига танқидий ва ижодий ёндашувчи, мустақил ўқиб билим орттириш шаклида малака ошириш салоҳиятига эга бўлган соҳа мутахассислари таълим муассасаси илмий (педагогик) Кенгашнинг қарори бўйича ижодий таътил бериш орқали амалга оширилади. Ижодий таътил муддати қонунчилик доирасида белгиланади.

IV. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қайта тайёрлашни ташкил этиш

41. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қайта тайёрлаш фа-

кат асосий ишдан ажралган ҳолда бевосита Марказ томонидан кундузги шаклда амалга оширилади.

42. Қайта тайёрлаш дастурларини ўзлаштириш муддати 16 ҳафта (576 соат)дан кам бўлмаган ҳажмда белгиланади. Ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соатни, шундан аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 24 соатни ташкил этади.

43. Қайта тайёрлаш бўйича Марказда ўқитиш буюртмачининг якка тартибдаги топшириғи ёки аниқ йўналтирилган дастури асосида, Давлат талабларига, шунингдек таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган дастурлар бўйича амалга оширилади.

44. Қайта тайёрлаш бўйича Марказда ўқитиш 2 + 2 ёки 3 + 1 схемалари бўйича (тегишли равишда 50 ёки 75 фоиз — яшаш жойи бўйича мустақил равишда билим орттириш, 50 ёки 25 фоиз — бевосита таълим муассасасида) ўқитиш шаклларида ҳам ташкил этилиши мумкин.

45. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қайта тайёрлаш дастурлари ходимнинг базавий олий таълим бўйича мутахассислигига кирган умумкасбий ва махсус фанлар ҳажми қайта тайёрланишга мўлжалланган фан ёки мутахассислик учун берилган фанлар ҳажмининг 60 фоизидан ортиғи мос келган тақдирда, етишмайдиган фанлар ҳажмини таълим дастурларига киритиш мумкин бўлган ҳолларда амалга оширилади.

46. Тингловчилар оралиқ назорат топшириқларини муваффақиятли бажариб, курсни тўлиқ ўзлаштириб бўлгандан сўнг, Марказ томонидан якуний аттестациядан ўтишга рухсат берилади. Якуний аттестацияни ўтказиш учун Давлат аттестация комиссияси тузилади.

Якуний аттестация тест саволлари ва битирув малакавий иш (ёки илмий-амалий лойиҳа иши) ҳимоясидан иборат бўлади.

V. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини тамомлаганлик тўғрисида давлат намунасидаги ҳужжатлар

47. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича таълим дастурлари талабларини муваффақиятли бажарган жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларига тегишли равишда давлат намунасидаги қуйидаги ҳужжатлар берилади:

а) мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ малака ошириш ҳақида сертификат — камида 4 ҳафта (144 соат) ҳажмида таълим дастурларидан ўтган жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари учун ва камида 3 ҳафта (144 соат) ҳажмида таълим дастурларидан муваффақиятли ўтган раҳбар кадрлар учун;

б) мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ қайта тайёрлаш ҳақида диплом — жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари учун камида 16 ҳафта (576 соат) ҳажмида таълим дастурларидан муваффақиятли ўтгандан сўнг, якуний аттестация натижасига кўра берилади.

48. Якуний аттестация натижасида ўқитиш дастурини ўзлаштириш юза-

сидан қониқарсиз баҳо олган тингловчиларга ўқув курсини тамомлаганлик тўғрисидаги маълумотнома берилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув дастурини ўзлаштирганлик тўғрисидаги диплом ва сертификат белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

VI. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни молиялаштириш

49. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тадбирларини молиялаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидагилар ҳисобига амалга оширилади:

ушбу мақсадлар учун ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилادиган маблағлар;

малака ошириш тизимида таълим муассасаларининг жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини ўқитиш учун буюртмачиларнинг маблағлари;

юримдик ва жисмоний шахсларнинг кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун мақсадли бадаллари;

жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун жалб этиладиган грантлар ҳамда хорижий кредитлар маблағлари;

таълим хизматларини кўрсатиш, илмий-педагогик, ишлаб чиқариш ва бошқа фаолият турларидан олинган даромадлар;

юримдик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

50. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг малакасини ошириш учун Марказга ишдан ажралган ҳолда ўқишга юборилган тингловчиларнинг ўқиши даврида асосий иш жойи бўйича лавозими сақланиб қолади ва уларга ўрнатилган тартибда кафолатли тўловлар тўланади.

Ишдан ажралган ҳолда жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг малакасини ошириш учун Марказга ўқиш учун бошқа жойлардан юборилган тингловчиларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўқишга бориш ва ундан қайтиш бўйича бир марталик йўл ҳақи харажатлари уларни юборган томон ҳисобидан қопланади.

51. Шартнома асосида қайта тайёрлаш курслари учун ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш тамойиллари асосида сарф-харажатлар сметаси Марказ томонидан тузилади ва унинг раҳбари томонидан тасдиқланади.

Сметада курснинг ўқув дастури ва режасида назарда тутилган барча дарс машғулоти учун тўланадиган соатбай ҳақ, курснинг моддий-техника таъминоти, курсни ташкил этиш ва ўтказишга жалб этилган (раҳбар, педагог ва техник) ходимларга тўланадиган иш ҳақи, уларни рағбатлантириш, шунингдек тўланадиган солиқлар учун маблағлар назарда тутилади. Бунда қайта тайёрлаш курсларида ўқиш учун тингловчи томонидан тўланадиган маблағ мазкур курсларни ўтказиш учун сарфланадиган харажатлар ҳажмидан ке-

либ чиққан ҳолда (сметадаги жами харажатларни тингловчилар сонига бўлиш орқали) ҳисоблаб чиқилади.

52. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказиш бўйича молиявий ҳисоботлар қонун ҳужжатлари асосида олиб борилади.

VII. Якунловчи қоида

53. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Малака ошириш ҳақида давлат намунасидаги СЕРТИФИКАТ (тавсифи)

Малака ошириш тўғрисидаги сертификат А4 форматли оқ қоғозда офсет усулида беш хил рангдан фойдаланган ҳолда: матн учун — қора рангда, расмлар тасвири учун — яшил, кўк, қизил рангларда, фон учун — оч кул рангда босиб чиқарилади.

Варақнинг чап қисмида четидан 10 мм чекинган ҳолда эни 32 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвирланган тасма жойлаштирилади. Тасманинг юқори қисмида диаметри 30 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири, паст қисмида эса — 35 мм ўлчамли иккита квадрат қўшилишидан ҳосил бўлган саккиз қиррали юлдуз, юлдузнинг ўртасида муҳр учун 25 мм диаметри оқ айлана жойлашган.

Варақнинг қолган қисмида юқорида лотин ёзуви билан давлат тилида «O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI. Malaka oshirish haqida SERTIFIKAT» сўзлари босилади. Сертификат икки лотин ҳарфи — МО ва олти рақамли сондан иборат тартиб рақами билан таъминланган. Барча матн нақшли растрдан иборат оч кул ранг фонда босиб чиқарилади.

Сертификат:

босиб чиқаришнинг икки усули — офсет ва юқори усули;

ёруғлик воситасида нусха кўчиришни қийинлаштириш учун очик ранглар;

нақшли растр;

ҳар хил рангли растрлардан фойдаланиш йўли билан турли рангларни ташкил этиш;

махсус қоғозлар;
ўзгарадиган рақамлардан иборат тартиб рақами қўлланган ҳолда олти-
та ҳимояга эга.

(Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири)

O‘zbekiston Respublikasi
Malaka oshirish haqida
SERTIFIKAT
MO № 000000

(Jismoniy tarbiya va sport mutaxassisining familiyasi, ismi, otasining ismi)

20__ yil _____dan 20__ yil _____gacha

(Malaka oshirish ta’lim muassasasining nomi)

jami _____ soatli

(Malaka oshirish kursining nomi)

bo‘yicha malakasini oshirdi.

Muhr o‘rni

Direktor _____

Sana _____

Qayd raqami _____

Жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари-
ни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини
ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Қайта тайёрлаш ҳақида давлат намунасидаги
ДИПЛОМ
(тавсифи)**

Қайта тайёрлаш тўғрисидаги диплом А4 форматли оқ қоғозда офсет усулида беш хил рангдан фойдаланган ҳолда: матн учун — қора рангда, расмлар тасвири учун — яшил, кўк, қизил рангларда, фон учун — оч пушти рангда босиб чиқарилади.

Варақнинг чап қисмида четидан 10 мм чекинган ҳолда эни 32 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвирланган тасма жойлаштирилади. Тасманинг юқори қисмида диаметри 30 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири, паст қисмида эса — 35 мм ўлчамли иккита квадрат қўшилишидан ҳосил бўлган саккиз қиррали юлдуз, юлдузнинг ўртасида муҳр учун 25 мм диаметрли оқ айлана жойлашган.

Варақнинг қолган қисмида юқорида лотин ёзуви билан давлат тилида «O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI. Qayta tayyorlash haqida DIPLOM» сўзлари босилади. Диплом икки лотин ҳарфи — QT ва олти рақамли сондан иборат тартиб рақами билан таъминланган. Барча матн нақшли растрдан иборат оч пушти ранг фонда босиб чиқарилади.

Диплом:

босиб чиқаришнинг икки усули — офсет ва юқори усули;

ёруғлик воситасида нусха кўчиришни қийинлаштириш учун очиқ ранглар;

нақшли растр;

хар хил рангли растрлардан фойдаланиш йўли билан турли ранглари ташкил этиш;

махсус қоғозлар;

ўзгарадиган рақамлардан иборат тартиб рақами қўлланган ҳолда олти-та ҳимояга эга.

(Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири)

**O‘zbekiston Respublikasi
Qayta tayyorlash haqida
DIPLOM**

QT № 000000

(Jismoniy tarbiya va sport mutaxassisining familiyasi, ismi, otasining ismi)

20____ yil _____dan 20____ yil _____gacha

(Qayta tayyorlash ta’lim muassasasining nomi)

soatga mo‘ljallangan

(Qayta tayyorlash kursining nomi)

qayta tayyorlash kursida ta’lim olib, _____

_____ mavzusida bitiruv ishini Davlat attestatsiya
komissiyasida _____ bahoga himoya qildi.

Muhr o‘rni

Direktor _____

Sana _____

Qayd raqami _____